Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1993 ЙИЛ 13 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА

№ 10 (6521).
Баҳоси 5 сўм.

Санда опа 13 йилдирки, Тошкент шаҳар А. Икромов туманидаги 106-мактабда ўқувчиларни рус тили ва адабиётининг хазиналаридан воқиф этиб келяпти. У ҳар бир машғулотни кўргазмали қуроллар ёрдамида олиб бориб, тингловчиларга маълум мавзу ҳақида тўлақонли тушунча беришга интилади.

ТАСВИРДА: С. Ҳусанова навбатдаги дарсни ўтмоқда.

У. ҚУШВОҚОВ сурати.

ВАТАН РАВНАҚИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎҚУВЧИ ЁШЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўқувчиларнинг истеъдодларини намоён этиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга, уларда мустақил Ўзбекистон фуқаросининг юксак маънавий фазилатларини шакллантиришга муҳим аҳамият бериб:

1. Охирги йил ўқиётган талабалар ва аспирантлар — бутун ўқиш давридаги аълочилар ҳамда тадқиқотчилик фаолиятини муваффақиятли амалга ошираётганлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари таъсис этилсин.

Бу стипендиялар сони қуйидагича белгилансин: талабалар учун ҳар бир талабанинг ўртача стипендияси миқдоридан уч карра кўп бўлган 10 та; аспирантлар учун — ҳар бир аспирант стипендияси миқдоридан икки карра кўп бўлган 5 та.

2. Ўлгуриши аъло даражада бўлган, ижодий ишда қатнашадиган учинчи ва ундан юқори курсларнинг талабалари учун қуйидаги давлат стипендиялари таъсис этилсин: техника факультетлари учун — Беруний номида, тиббиёт факультетлари учун — Ибн Сино номида, гуманитар факультетлар учун — Навоий номида, табиий факультетлар учун — Улуғбек номида.

Стипендиялар сони таълим йўналишлари бўйича юқори курсларнинг ҳар минг нафар талабасига икки карра кўп миқдордаги битта стипендия ҳисобидан белгилансин.

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Фанлар академияси, Фан ва техника давлат қўмитаси, Олий аттестация комиссияси, 20 кун муддат ичида талабаларга давлат стипендияларини бериш тўғрисидаги низом ва тартибни ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг тасдиғига тақдим этсинлар.

4. Белгилаб қўйилсинки, давлат стипендияларини олувчи талабаларга тегишли кўкрак нишонлари ва гувоҳномалар берилади. Улар олий ўқув юртини тамомлаганларидан кейин кириш имтиҳонларисиз аспирантурага қабул қилинадилар ҳамда ёш мутахассислар қатори малака ошириш ва ўқишни давом эттириш учун чет элларга юбориш чоғида устунликка эга бўладилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги ва Давлат спорт қўмитаси:

— мактаб ёшлари ўртасида вақти-вақти билан турли республика мусобақаларини ўтказсинлар, ёшларнинг халқаро мусобақаларида фаол иштирок этишларига бутун чоралар билан кўмаклашсинлар;

— 20 кунлик муддат ичида мактаб ўқувчилари ўртасида республика олимпиадалари, конкурслари ва мусобақаларини ўтказишнинг низоми ва тартибини ишлаб чиқсинлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг тасдиғига тақдим этсинлар.

6. Олимпиадалар, конкурслар ва мусобақаларнинг ғолибларига қуйидаги пул мукофотлари:

— I — V ўринларни олган ғолибларга талаба стипендияси миқдорининг ўн каррадан олти каррагача кўп бўлган халқаро мукофотлар;

— I — II — III ўринларни олган ғолибларга талаба стипендиясининг уч — икки — бир карра кўп бўлган республика мукофотлари белгилансин.

7. Белгилаб қўйилсинки, халқаро ва республика мусобақаларининг ғолиблари бўлган битирувчи синфларнинг ўқувчилари олий ўқув юртларининг биринчи курсларига кириш имтиҳонларисиз, тест синовидан ўтказилмай қабул қилинадилар ва хорижий мамлакатларнинг ўқув юртларига юборилади ган гуруҳларга қабул қилиниш ҳуқуқига эга бўладилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1993 йилдан бошлаб ҳар йили ана шу мақсадлар учун зарур маблағлар ажратишни кўзда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлари бўлган вазирликлар ва идоралар:

— 1993 йилнинг 1 мартидан ушбу Фармонда қайд этилмаган давлат стипендияларини бекор қилсинлар;

— уларга белгиланган стипендия жамғармаси доирасида олий ўқув юртларининг тақдимномаларига кўра, ва Вазирлар маҳкамаси билан келишиб, Ўзбекистоннинг ақлий ва маънавий салоҳиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган атоқли фан ва маданият арбоблари шарафига бир ярим баробар ҳажмли махсус стипендиялар таъсис этиш ҳуқуқи берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 20 кунлик муддат ичида ушбу Фармонни рўёбга чиқаришга доир қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 5 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ УЧУН ТАЛАБАЛАРНИ ТЕСТ УСУЛИДА САРАЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари кундузги бўлимларига қабул қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ 1992 йилда талабаларни тест усулида қабул қилишнинг ижобий якунларини эътиборга олиб, олий ўқув юртлари ректорлари кенгашининг тавсияларини ва кенг жамоатчиликнинг истакларини назарда тутиб, Вазирлар маҳкамаси **қарор қилади**:

1. 1993 йилда барча давлат олий ўқув юртлари, шунингдек, республикадаги рухсатномаси бўлган барча таълим шаклидаги олий ўқув юртлари учун талабаларни тест усули билан саралаб олиш жорий этилсин.

2. Тест усули билан саралаш олий ўқув юртларига талабаларни танлаб олиш республика маркази зиммасига юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Бир ой муддатда республика маркази билан биргаликда олий ўқув юртларининг биринчи курсларига талабалар қабул қилиш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва уни тасдиқлаш учун давлат комиссиясига тақдим этсин, низомга тест синовлари билан биргаликда кўп балли тизим асосида ўтказиладиган халқаро, ижодий, адабий-бадиий ва спорт йўналишларидаги қўшимча имтиҳонлар рўйхати белгилаб қўйилсин;

1992-93 ўқув йилида Вазирлар маҳкамасининг 1992 йил 9 апрелдаги 181-сонли қарорида кўрсатилган 19 та олий ўқув юртида, қолганларида эса 1993-94 ўқув йилидан бошлаб талабаларнинг жорий ўзлаштиришларини синаш учун тест усуллари қўлланилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, олий ўқув юртларининг ректорлари тест усулида синаш учун барча зарур шарт-шароитларни таъминласинлар, бўлажак талабаларга маиший, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат истиқболни аниқлаш ва ҳисоб комитети 1993 йилда тест ўтказиш республика маркази талабномасига мувофиқ хорижий ускуналарни сотиб олишга ва кундалик ҳаражатларга валюта фондидан 3 миллион АҚШ доллари ажратсин, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгиланган тартибда сўм билан қопланишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги республика маркази учун техникавий воситаларни етказиб берсин.

6. Синовларини ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча чора-тадбирларни бажариш учун:

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитети тест материалларини уларнинг сифати, безатилиши ва муддатларига қўйилган талабларни ҳисобга олиб, нашр этишни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тест усули билан синаш жойларида тест материаллари сақланишини ва жамоат тартибини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги тест материалларини жойларга келтирилишини, сақланишини ва уларнинг маҳфийлигини таъминласин;

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси тест усулида синаш материаллари ва уни кузатиб борувчиларини жойларга етказилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш компанияси аҳоли кенг доиралари орасида олий ўқув юртларига кириш чоғида холислик ва адолатни таъминлашда тест усули билан синашнинг аҳамиятини мунтазам тушунтириб борсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва «Ўзбекшартномасавдо» мазкур мақсадларга зарур маблағ ва ресурслар ажратсин.

8. Олий ўқув юртларига талабаларни қабул қиладиган давлат комиссияси тест билан синаш тажрибасини умумлаштириб, уни янада такомиллаштириш юзасидан 1993 йилнинг октябрида Вазирлар маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Республика марказига Вазирлар маҳкамасининг 1992 йил 21 июлидаги 337-сонли ва 1992 йил 8 октябрдаги 465-сонли қарорларида кўзда тутилган имтиёзлар берилсин.

10. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари М. Қ. Қорабоевга юклатилсин.

Вазирлар маҳкамасининг раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 5 февраль.

ШАНБА ЧОР-ШАНБА

МАКТАБГА ТАБИИЙ ГАЗ

1993 йил Избоскан туманидаги 26-ўрта мактаб ўқувчи ва ўқитувчилари учун қувончли бошланди. Негаки, илм масканини газлаштириш ишлари тугатилиб, барча хоналар бир маромда иситила бошланди.

Мазкур ишни амалга оширишда мактабни оталиққа олган Нишонбой Жўраев номли жамоа хўжалиги қувурлар билан таъминлаган бўлса, Избоскан қишлоқ шўроси эса маблағларни ўтказишда бевосита раҳбарликни ўз зиммасига олди.

Газлаштириш ишларини жадал суръатларда олиб борган О. Абдурасулов бошчилигидаги хўжалик ҳисобида ишловчи бригада аҳли ҳам барча юмушларни сифатли бўлишини таъминладилар. Ўлар қисқа муддат ичида 300 минг сўмликка яқин иш бажардилар.

Ш. КЕЛДИЕВ.
Андижон вилояти.

ТАЛАБАЛАРНИ СИЙЛАШДИ

Наманган вилоятининг Учқўрғон туманидаги Охунбобоев номли ва «Қайқи-обод» жамоа хўжаликлари вилоятдан ташқаридаги олий ўқув юртларида таълим олаётган талабалар шарафига қуюқ зиёфат уюштиришди. Сўнгра, талабаларга моддий рағбат сифатида 500 сўмдан пул берилди.

Бу тадбир дарров овоза бўлиб, Тошбулоқ қишлоғи аҳлини ҳам қизиқтириб қолди. У ерда вилоят олий ўқув юртларида ўқиётганларига 500 сўмдан, вилоятдан ташқарида таҳсил олаётганларга эса минг сўмдан пул берилди.

Ажиб замонлар бўляпти-да, яқингинада олий ўқув юртларида ўқиётганлар у ёқда турсин битирганларга ҳам ҳеч ким эътибор қилмасди. Энди эса..

Муҳаммад СОДИҚ.

ҒОЛИБЛАР КЎП БЎЛДИ

Гўзалкент туманидаги 2-ўрта мактабда бошланғич синф ўқитувчиларининг кўрик-танлови ўтказилди. Унга 25 нафар педагог қатнашиб, ўз маҳоратлари ва билимларини намойиш қилдилар.

— Бу тадбирни ўтказишдан мақсад, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Келдимурод ака Ҳамроев, — ўқитувчилар масъулияти ва ташкилотчилигини ошириб, дарс мазмундорлигини яхшилашдир. Бу замон талабини қалбдан ҳис этган танлов иштирокчилари 2—2,5 мингтагача кўргазмали қуроллардан фойдаланаётганликлари маълум бўлди. Улар меҳнати танлов ҳайъат аъзолари томонидан муносиб тақдирланди.

Тайёргарлик ишларининг яхшилиги ҳисобга олиниб, биринчи ва иккинчи ўринлар учун 7 та мукофот берилди. 12-мактабдан О. Бурҳонова, 24-мактабдан З. Эшқувватова, 2-мактабдан М. Аъзамоваларга фаҳрли биринчи ўрин насиб этди. Туман халқ таълими бўлими бу ғолибларни бир ойлик иш ҳақи миқдорида пул билан мукофотлашга қарор қилди.

Т. РУСТАМОВ.
Самарқанд вилояти.

САҲНАДА ДАРС

Яқинда пойтахтимиздаги 40-ўрта мактабда шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти курс тингловчиларининг семинари бўлиб ўтди. Унда А. Авлоний номли халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш илмгоҳи ходимлари ҳамда Ҳамза академик театри актёрлари иштирок этдилар.

Филология фанлари доктори, профессор Ш. Шомуҳамедов, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор А. Аъзамхўжаев, ТошДД доценти О. Мадаев, Қўлёзмалар институти илмий ходими, филология фанлари номзоди Ю. Турсуновлар ўз маърузаларида Мир Алишер Навоий ижодининг очилмаган қирралари, унинг «Арбаин», «Муншоат» асарлари ҳақидаги қимматли фикрларини баён этдилар.

Шу мактабнинг она тили ва адабиёти муаллимаси М. Исҳоқова анъанавий бўлмаган усулдан фойдаланиб, саҳнада 9-«Б» синф ўқувчилари билан «Минг бир ҳадис», «Чил ҳадис» мавзуида баҳс-мунозара дарсини ўтказди. Ўқувчилар ҳадислардан, Навоий ҳикматларидан намуналар айтишди. «Инсон ўзидан қандай ном қолдириши керак?» деган мунозарали саволга ўз мулоҳазаларини билдиришди. Ҳамза театрининг актёри, Ўзбекистон халқ артисти З. Муҳаммаджонов Навоий сиймосида устоз ва талабаларга муваффақият тилаб, китоблар совға этди. Сўнгра ёш актриса М. Муҳторова билан «Алишер Навоий» драмасидан айрим монологларни ижро этиб, анжуманга файз киритдилар. Анжуман сўнгида мактаб бадиий ҳаваскорлари қўшиқлар ижро этдилар.

Семинар қатнашчиларида мактабда ташкил этилган «Алишер Навоий» деб аталган мўъжаз музей чуқур таассурот қолдирди.

М. ВАЛИЕВА.
Тошкент шаҳри.

Виждонан меҳнат қилаётганлар

ДИРЕКТОР

Абдувосиқ Ваҳобов Тошкент қишлоқ районидаги 3-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси сифатида иш бошлаганига 50 йилдан ошди. Бу даврда у тинмай ўқиди, изланди, педагогик маҳоратини оширди, ишлаб чиқаришдан ажралмай туриб Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг тарих куллиётини тугатди.

Ўқитувчилик касбини эъзозлаган жонкуяр ва ташаббускор педагог, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси А. Ваҳобов пойтахтимиздаги 200-ўрта мактабга директорлик қилаётганига ҳам йигирма йилдан ошди. Мазкур таълим-тарбия маскани Чилонзор туманидаги илғор тажриба мактабларидан бири қаторида танилган.

— Мен Тошкентдек шаҳри азимда кўпгина мактабларда ишладим, — деб ҳикоя қилади адабиёт ўқитувчиси, халқ маорифи аълочиси Асқар Иброҳимов. — Ишчан, омилкор, талабчан мактаб директорларини ҳам, ишга лоқайдларини ҳам кўрдим. Абдувосиқ Ваҳобов ишнинг кўзини биладиган раҳбарлардан. Унинг ўзига хос яна бир жиҳати шуки, у болаларга пухта билим ва яхши тарбия бераётганларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиради. Халқимиз айтганидек, А. Воҳобов зар қадрини билувчи заргарлардандир.

У билан суҳбатлашгудек бўлсангиз, ўз мактабининг жанговар ва меҳнат анъаналари ҳақида мароқли ҳикоясини эшитиб завқланасиз. Чиндан ҳам мактабнинг мақтовга лойиқ ишлари кўп. Собиқ талабалардан бири, Улуғ Ватан урушида мислсиз қаҳрамонлик кўрсатиб, ҳалок бўлган. Мактаб ҳозир унинг номи билан аталади. Бу билим масканининг собиқ ўқувчилари Меҳринисо Убайдуллаева ҳамда Комилжон Азимовлар Меҳнат Қаҳрамони унвонини олишга сазовор бўлишган.

Ҳозирги кунда фан, маданият ва халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаётган минг-минглаб собиқ талабалар билан мактаб жамоаси ҳар қанча фахрланса арзийди.

Абдувосиқ Ваҳобов кўп йиллар маҳалла қўмитаси раиси лавозимида ҳам ишлади. У том маънода зиёли сифатида одамларнинг яхши-ёмон кунларида уларга камарбастадир.

Ўз билим ва маҳоратини халқ таълими тараққиётига сарфлаётган маориф заҳматкаши Абдувосиқ аканинг завқ-шавқли меҳнат фаолиятига ҳавас қилади киши.

Ғафур МИРЗО.
Суратқаш **У. ҚУШВОҚОВ.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

ИБТИДО СЕҲРИ, АЗАЛ ҚЎШИҒИ



Азим Суюн лирик ижодкор, оний туйғуларнинг чақнашларида йилт этиб кўриниб, сўнгра тағин абадий гўшаси — зулмат қаърида ғойиб бўладиган туйғун реалликлар шоири. Шоирнинг Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотига қўйилган «Куйганим — суйганим» китоби ҳам шу фикрни тасдиқлайди.

Азим Суюннинг гражданлик руҳи, заминпарварлик туйғуси у тасвирлаган баҳодирнинг қиличи янглиғ. Унинг шеърларида ҳақиқат, адолат, эрк, имон, эътиқод, муҳаббат — ҳар бир кескир қилич: шоир иллатларга қарши сўз лашкарини жангга солади, ёвуз типлар, уйқучи ва лоқайдлар юрагига қўшиқларни найзадек санчади.

Нуротага — туғилиб ўсган музофотига бағишланган туркум шеърларда тарих ва табиат, ифтиҳор ва ташвиш ёнма-ён ўсган олма ва ток новдалари каби чирмашиб кетади.

Азим Суюн тўплам композицияси орқали ҳам тазод яратишга, қўшимча фикр айтишга, ғояни таъкидлашга интилади. «Алқорлар» ва «Инсон» шеърларида бир мавзу — ягона қаҳрамон ҳақида сўз бораётгандек таассурот қолади: инсон ва табиат муаммолари эш бўлиб кетади.

Овчилар дастидан алқорларга кун йўқ. Улар Ватанни тарк этишга, ўзга тоғлардан макон ва паноҳ излашга маҳкум:

Рост бўлсин, сайёдларга
осиб минг тавқи лаънат,
Ўқ етмас манзилларга
бош олиб кетганлари!

«Инсон» шеърида эса шоирнинг ўзи алқор ҳолида намоён бўлади. Одам ўз кашфиётлари оловида қоврилади. Унинг измидан чиққан қурол алқорлар ва одамларни бирдек қиради: ҳар иккиси адашган одамзод қурбони.

Азим Суюнда Ватан туйғуси кучли. Нурота ҳақида ёзганда у — ҳамиша кенг, сокин, донишманд, туйғулари бўлиқ. Ватан-диёр тарихи — улуғвор, одамлари — ҳалол ва мард, чўпонлари — тоғ бургутлари, уларнинг гурунги — афсонадан ранг олган. Табиат архитип. Тунги гулхан атрофида фақат тоғлар ёки ўтмиш ҳақида суҳбат кетади. Ҳар иккиси абадий қудратга эга. «Баҳодирнинг қиличи синди», «Баллада», «Овчи ўлими», «Гулхан» шеърларида тоғлар ва инсоннинг мағрур руҳи, баҳодирлик улуғланади, мотивга айланади. Булар: гадойнинг абадий тиламчилиги («Гадой»), тирик кўзнинг абадий очкўзлиги («Кўзлар») каби қонунга айланган хислат — архитиплардир.

Инсон ва табиат Азим Суюн мисраларида туташиб кетган. Тоғ ва баҳодир, бургут ва чўпон, сув ўтлари ва бола, оҳу ва ёр бири иккинчисига айланиб, тимсол бўлиб келади. Нафақат табиат жонлантирилади, балки табиатнинг қалби ва донишмандлигини ёритишда инсон хусусиятлари сифатловчи хизматни бажаради. Хуллас, шоир ўзини, инсонни табиатдан ажратмайди.

Шу вақтгача табиат инсон учун фон, инсон унинг гултожи сифатида тахтда кўрсатиларди. Азим Суюн уни тахтдан тушириб, табиат қўрига қўшди: бу қуруқ камтарлик эмас, балки ўзгача фалсафа. Шуни тан олганимиздан кейингина унинг шеърларида ҳаёт, муҳаббат ва ўлим зиддиятлари ҳал қилувчи ўрин тутишини, лирик қаҳрамоннинг ўй ва майларида пардаланган қатламни пайқаймиз. Оддий метафорадан яралган «Сув ўтлари» шеърининг тенгламасини ана шу фалсафий микроскоп ойнасидагина кўриш мумкин. Хилма-хил талқинлар уйғотадиган бу саккизликни тўлиқ келтирамиз:

Денгизлар сизга ошиён,
Сизга ватан дарёлар, сойлар,
Нурлар каби поксиз ҳар қачон,
Ҳасад қилар юлдузлар, ойлар.
Рост, шунча ҳам поклик бўлурму?
Мен-ку ҳасад қилмайман, бироқ,
Гоҳи-гоҳи сизга термулиб,
Йиғлаб-йиғлаб оламан узоқ...
Сув ўтлари — рамз, улар мисолида болаларнинг, фарзанднинг поклиги кўрсатилган, ишонувчан, беғубор кишиларга ҳаётда қийин бўлиши айтилган.

Азим Суюннинг табиати сарбастга мойил. Аммо шоирнинг бармоқда битилган шеърлари кўп. Унинг энг суюмли мавзуси — туғилиб ўсган маскани бармоқ вазнида тасвирланади. Ўзбекистон даштлари, шаҳарлари, одамлар орасида безовта кезган, куйиб-ёнган шоир ота остонасига келганда бирдан таскин топади. Нурота тоғларида отаси ҳақидаги қалб хотираларидан, бургутлар авлоди — чўпонлар образидан куч, улуғворлик олади, туйғулари теранлашиб, чуқур бўлиб оқади. Бу — руҳий ҳодиса, ижодий принцип эмас.

Шоир шеърларида кутилмаган фикрларга дуч келамиз. Ундан ташқари, «Оёғида қари ботинка» ифодалари ҳам сюрреалистик руҳдадир.

«Қотиб қолар ҳайратнинг кўзи» — ҳайратнинг ҳам кўзи бўларканми? Йўқ. Аммо биз ҳайратда қотган кўзни тасаввур этамиз. Бу фақат кўз: одамнинг, ҳайвон ва дарахтнинг кўзимас, умуман кўз. «Бир мовий ҳаво» шеърининг биринчи банди тўлиғича сюрреалистик:

«Бир мовий ҳаво — кўклам келаётир,
Бир сарин сабо — кўкрак кераётир,
Бир яшил наво — нима тебранаётир...

Табиатда мовий ҳаво йўқ, сабонинг эса кўкраги бормидики керса, наво ҳам рангсиз. Шунга қарамасдан биз шоирга ишонамиз, ҳар бир китобхон манзарани ўзича тасаввур этади, ҳавони — мовий, сабони — кўкракдор, навони — яшил рангда тасаввур ва талқин қилади. Сюрреализм жараёнига китобхонни ҳам тортади.

Шоир хунукликни ҳам батафсил тасвирлаб, баданни жунжиктириб, кишида тозариш ҳосил қилади. «Кўзлар» шеърида ўқиймиз:

Елиб келишибди, қоп-қоп олтин олиб
келишибди, ўйнаб ётган Кўзга буғдой
каби қуйишибди...

Бу ерда ёвузлик тасвирланган: кўзга қоп-қоп олтин қуйишмоқда — реал ҳолда бундай бўлиши мумкин эмас: кўзга бир сиқим ҳам олтин сиғмайди. Бу ривоятдан олинган. Демак, сюрреализмга хос белгилар адабиётимизда — азалдан мавжуд тасвир усулидир. Ўз оғзаки ва ёзма адабиётимиз, санъатимизни билмаганимиз учун уларни ғарб адабиётининг бисоти деб қараймиз.

Азим Суюн хунук манзара чизаётганини яхши билади ва мисраларни ҳам мечкай, бадбашара, ола-бужи қилиб тузади. Кўзга қоп ағдарилаётганидан — ваҳшийликдан юрагимиз бир қалқиса, мисраларнинг мажруҳлигидан яна эзиламиз. Кўнглимиз қатига кириб қолган гардлар қўзғалади.

«Бир дўст ўлими» шеърида шоир шу усулни яна ва давомли қўллайди. Бу шеър ҳам майиб-мажруҳ мисралардан тузилган. Шеър ўлим хабари билан бошланади:

Оҳ, менинг бир дўстим ўлиб қолди.
Билмаймиз, қандай азоб,
уқубатда ўлиб қолди у.
Сизга айтсам, энг аввало кўзларини
оқ ҳарир парда қоплаб олди...

Ҳар тўрт майиб мисрадан кейин баданни жунжиктирадиган шу тафсилот такрорланиб, кенгайтириб борилади: «Кўзларидаги ўша оқ, ҳарир пардалар бутунлай қоплаб олди», «Ниҳоят ўлди!...»

Шу икки шеърда Азим Суюн сўзларининг лексик маъноси; ташбеҳлар тилидан ташқари, мисралар шакли билан ҳам фикр айтишга, расм чизишга интилганини кўрдик. Бу ҳам унинг тасвирлаш усулларидан бири.

Хорижда қолган одам тақдири ёритилган «Тутқун» шеъридаги узун мисралар оралиғида иккита калта мисра зўрға кўриниб туради лексик мазмун туртки бериб, мисралар орасидаги зиндон ва унда қисилибгина ётган одам кўзимизга кўринади.

«Тоғ қўшиғи» шеърининг расми бундай:

Тоғ бўлмоқлик, аслида
кўкка яқин турмоқ экан.
Лекин бўрон, дўлларга
илк кўкрак кермоқ экан.
Саҳро, водий даштларга
от ясатиб — миндириб,
Ўзинг пою-пиёда,
ожиз ҳаёл сурмоқ экан.

Бу шакл — чўққидор, улуғвор тоғ портрети эмас, мисралар ҳаракати ҳалинчакнинг бир маромда учишига ўхшайди. Калит бу ерда — сўзлар лексик мазмунининг қатида. Шеър «тоғ» сўзи билан бошланади, ўртасида «саҳро», «водий», «даштр» пайдо бўлиб, охирида тоғ пою-пиёда юриб, ожиз ҳаёл суради. Демак, тоғ мисрама-мисра юриб пастга тушди: мисралар бурмаси — айланма тоғ йўлининг чизмаси. Фақат «саҳро» сўзи «водий»дан олдин келиб (ноўрин тушган), бир оз чалғитади.

Покланиш ва юксак гўзаллик силсиласига эришиш жараёнида қалб овози — ҳислар шивирини тинглаган Азим Суюн каби ўнлаб шоирлар ҳаёт, инсон руҳияти ва табиатнинг бугунги билим ва ақл уфқидан нарида, фақат туйғуларгина етиб бора оладиган қоронғи сарҳадларидан дарак олмоқдалар. Улар яратган поэтик мўъжизалар бизга шахсга сиғиниш ва турғунлик давридан ошиб қолган «шоир», «шеър» ҳақидаги тушунчаларимизни қайта кўриб чиқишга, ғуборлардан тозалаб, адабиётда санъат бош мезон бўлишига эришишимизга қўмаклашади, деб ўйлаймиз.

Нурмуҳаммад ХОЛЛИЕВ,
филология фанлари номзоди.

Таклиф ва мулоҳаза

ТОВУШ ЁЗУВГА ЭМАС, ЁЗУВ ТОВУШГА МОСЛАШСИН

Сўнгги йилларда матбуотда ҳам, тилшунос олимларнинг ўзаро суҳбатида ҳам миллий ёзув муаммолари билан боғлиқ баҳслар тез-тез такрорланиб турибди. Бу табиий ҳол бўлиб, миллий ёзувимиз ҳақидаги фикрлар узоқ йиллардан буён кутган истиқлолимизнинг илк меваларидан биридир.

Баҳсларда асосан уч хил фикр ўртага ташланмоқда. Араб ёзувига қайтиш, лотин ёзувига ўтиш ва ҳозирги жорий ёзувимизни (кирилл ёзувини) озгина ислоҳ билан қолдириш. Ҳозирданоқ айтиш лозимки, уларнинг ҳар бирининг ютуқ томонларини кўрсатувчи кучли асослари бор. Араб ёзувига ўтишни истовчилар минг йиллардан ортиқ тарихимиз, маданиятимиз, адабиётимиз айнан шу ёзув билан боғлиқлигини айтишади ва бу ёзувга қайтиш миллий қадриятларимизни, анъаналаримизни, динимизни, ўрганиш учун кенг истиқболлар очиб беради, деб ишонишади. Лотин ёзувига ўтишни истовчилар эса бугунги кунда бутун Туркистон жумҳуриятлари шу ёзувга ўтаётганликлари, қолаверса, бу ёзув орқали инглиз, олмон тилларини ўрганиш бир қадар енгилланишини (Оврўподаги жуда кўп мамлакатлар ҳам лотин ёзувида), муҳими, талаффузимизга мос эканлигини айтишади.

Фикримизча, табиатимизга, руҳиятимизга, муҳими, талаффузимизга мос келмайдиган кирилл ёзувидан воз кечишимиз ва бугунги қардошларимиз йўлидан бориб, она тилимизнинг асоси бўлган товушимизнинг нозик томонларини ҳам ўзида акс эттира оладиган, ёшларнинг ҳар томонлама саводхонлигини оширадиган, келажак истиқболимиз учун замин бўла оладиган лотин ёзувига ўтишимиз зарур. Биз шунинг учун ҳам араб ёзувининг тарафдори эмасмизки, бу ёзув ўзбек тили талаффузларини ўзида акс эттира олмайди. Иккинчидан, бу ёзув жуда мураккаб бўлиб, қабул қилган тақдиримизда ҳам бир қатор жиддий ислоҳлар қилишни талаб этади.

Шарқшунослик, Қўлёзмалар институтларида, музейларда, кутубхоналарда, диний муассасаларда жуда кўплаб араб ёзувидаги асарлар борки, уларни ўрганиш учун араб ёзувини яхши билиш зарур. Шу сабабли мактабларда, олий ўқув юртларида бу ёзувни ўргатиш, араб тили ва араб ёзуви бўйича мутахассислар тайёрлашни тубдан яхшилаш, дарсликлар, газета ва журналлар чоп этишни йўлга қўйиш керак.

Дунёда бирор ёзув йўқки, у ўша халқнинг талаффузларини тўлиқ акс эттирган бўлсин. Ўзбек тилининг ҳам талаффузини, товуш нозикликларини биронта ёзув ўзида тўлиқ ифодалай олмайди. Лекин, нисбатан олганимизда, лотин ёзуви бошқа ёзувларга қараганда тилимиз хусусиятларини тўлароқ ёритишга қодир. Иккинчидан, бу ёзувга ўтиш бутун турк олами билан яқинлашишга, бутун дунё турклари учун ягона ёзув бўлишига эришиш имконини беради. 1991 йилнинг ноябрида Туркиядаги Мармара дорилфунунининг Туркиёт тадқиқотлари илмгоҳида «Ҳозирги замон турк алифболари» мавзуидаги симпозиумда турк қавмлари учун лотин ёзувидаги алифбонинг тавсия этилиши шу йўлдаги биринчи қадамдир. Учинчидан, ривожланган мамлакатларнинг ёзуви лотин тилида эканлигини унутмаслик зарур. Ва, ниҳоят, тил ўрганиш учун ҳам ёзувнинг аҳамиятини инкор этмаслик даркор. Биринчи давр талаби ҳеч бўлмаганда, иккиуч тилни билувчи мутахассислар тайёрлаш заруратини туғдирмоқда. Лотин ёзувига ўтиш шу ёзувдаги инглиз, олмон, фаранг каби жаҳон тилларини ўрганишга ёрдам беради.

Бизнинг назаримизда ёзувни ўзгартиришни босқичма-босқич амалга ошириш зарур. Бунинг асосий сабабларидан бири масаланинг иқтисодий томонидир. Ёзувни ўзгартириш учун неча миллиардлаб сўмлар сарфланишини тасаввур қилиш қийин эмас. Шунингсиз ҳам иқтисодий жиҳатдан оғир кунларни бошидан кечираётган ҳукумат бюджетининг жуда катта қисмини бугунги кунда ёзувни ўзгартиришга сарфлаш ақлдан бўлмайди, албатта. Шу сабабли ҳозирдан бошлабоқ I синфдан II синфгача ўқувчиларга лотин ёзувини ўргатишга киришиш зарур. Товуш ёзувга эмас, ёзув товушга мослашиши зарурлигини англатмоқ керак. Биз эса шу кунгача товушимизни ёзувга мослаб ўқидик, ёздик. Бундан қутулиш учун ва ёзувни ўзгартиришига анчагина вақт ўтишини ҳисобга олиб, жорий ёзувимизни босқичма-босқич қилиб ислоҳ қилишни таклиф этамиз. Хўш, бу ислоҳ нималардан иборат?

Рус тилидан кўр-кўрона ўтказилган е, ё, ю, я ҳарфларидан воз кечишимиз зарур. Бу ҳарфлар ўзбек тилида бир товушни ифодалайди, шу сабабли уларни йэ, йо, йу шаклида қўллаш мумкин. Бу ҳол товушлар билан боғлиқ сўзларни тўғри айтишимизга ва ёзишимизга олиб келади. Масалан, келмоқ, кетмоқ феъларида е ни ёзамиз, лекин ҳеч ким кйэлмоқ, кйэтмоқ деб ўқимайди, аксинча, кэтмоқ, кэлмоқ деб ўқийди. Ва талаффуз ҳам шуни талаб қилади. Қолган уч ҳарф ҳақида ҳам шундай фикрларни билдириш ва ўйлаб, созлаб мисоллар келтириш мумкин.

Биз шу кунгача рус тилида «ётизированные звуки» иборасини «ёллашган товушлар», «ярим унлилар», деб беҳуда таржима қилиб келдик ва ўқитдик. Табиийки, бу ҳол ўзбек тилида ўзини оқламади.

Ўзбек тилида иккита ж товуши бор. Журнал, буржуй, бюджетдаги сирғалувчи ж билан жўра, жаҳондаги портловчи ж товуши. Лекин алифбомизда уларни бир ҳарф билан белгилаб келдик. Шу сабабли бугун ўқувчиларимиз журнални портловчи ж билан журнал деб ўқишмоқда ва талаффуз этишмоқда. Биз нингча, сирғалувчи «ж» портловчини «ж» ҳарфлари билан белгилаш ўринли бўларди.

Хуллас, тилимизнинг софлиги, гўзаллиги, ундаги мусиқий оҳанги сақлай оладиган, талаффузимизга мос бўлган лотин ёзувига босқичма-босқич ўтиш даври келди.

Аббос ТУРСУНҚУЛОВ,
ТошДУ ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди.

Алибой ҚАҲРАМОНОВ,
шу кафедра ўқитувчиси.

(Муаллифларнинг таклифларига кўра, мақоланинг қалам ҳақи газета жамғармасига ўтказилади).

ШАРТНОМА АСОСИДА

Бундан буён мактабларнинг муаллимлари билим маскани маъмурияти билан ўзаро контракт шартнома (битим) асосида фаолият кўрсатадилар.

Қизилтепа район халқ таълими бўлимининг кенгайтирилган йиғилишида шу масала атрофлича муҳокама этилиб, амалий ишга ўтилди. Садриддин Айний номи билан аталадиган билим даргоҳида биринчилардан бўлиб ўзаро битим бўйича ишлашга киришилди.

Шартномага кўра, ўқитувчи ишга 15 минут барвақт келиши, машғулотларга тайёргарлик кўриши, 40 минут давомидаги дарс жараёнида таллуқли бўлмаган ишлар билан машғул бўлмаслиги шарт. У дарс сифатини ошириш, отаоналар билан ҳамкорликни кучайтириши, пировардида яхши натижага эришиши зарур. Шулар ва битимда белгиланган бошқа шартлар бузилган тақдирда ўқитувчи маошидан 50 фоизи чегириб қолинади.

Мактаб маъмурияти ўқитувчига лабораториядан, кутубхоналардан, шунингдек, мактаб ҳисоблаш марказидан фойдаланиш ҳуқуқини беради, керакли барча шарт-шароитларни яратади. Бундай иш тутиш турли ўзибўларчиликлар олдини олишга, таълим-тарбия сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Б. ЭГАМОВ.
Навоий вилояти.

БИР КЕЛИБ КЕТИНГ, МАКТАБИМИЗГА!

«Мактабимиз энг оддий талабларга ҳам жавоб бермайди. Каталакдек хоналарга зўрға 15—20 киши сиғади. Лоақал кўргазмали қуроллар қўйишга жой тополмайсиз. У авария ҳолатидаги мактаблар рўйхатида ҳам бор. Вилоят қурилиш режасига киритилган. Янги мактаб қурилиши 1991 йилнинг тўртинчи чорагида бошланиши керак эди. Аммо бошланмаса керак, қурилиш материаллари йўқ эмиш...», дея Қашқадарё вилояти Косон туманидаги 57-ўрта мактаб ўқитувчилари қалб нидоларини хатга битиб юборишибди. Ёдингизда бўлса бундан уч йил муқаддам газетамиз саҳифаларида жумҳурият вилоятларидаги авария ҳолатида бўлган мактаблар рўйхатини эълон қилгандик. Бу рўйхатлар жойларда мактаб-маориф муассасалари қурилишларига мутасадди бўлган идоралар раҳбарлари учун бир кўзгудек ҳисобланган эди. Уч йил бурун ана шу рўйхатни шарҳлаб, қопқоп ваъда берган вилоят раҳбари бунга ҳозир нима деркин?! Зеро, «мактабимизга бир келиб кетинг» деб йўлимизга термулиб ўтирган фақат юқоридаги ўқитувчиларгина эмас. Таҳририятимизга мактабларнинг ўз вақтида таъмир қилинмаётгани ҳақида кўплаб мактублар келади.

Турфа хил хатлар... Уларнинг ҳар бирида бирор хабар, мулоҳаза, таклиф, илтимос, савол бор. Энг муҳими, дард, ташвиш, муаммо бор.

«Директоримиз Қ. Эшбеков мактабда навбатдаги йиғилишни ҳам маст ҳолда ўтказди...», — деб ёзишади Жиззах туманидаги Ҳ. Хўжақулов номли мактаб ўқитувчилари. Бундай хатлар ҳазил тариқасида ёзилмайди. Уларни одатда вилоятга юборамиз. «Текширилди, далиллари тасдиқланмади» деган жавоб ҳам оламиз. Мен эса мактубга имзо чеккан ўқитувчиларнинг гапида жон борлигига шубҳа қилмайман. Бу таҳлит хатлар, сир эмаски, таҳририятимизга кўплаб келади. Муаллифларимиз ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилиб, мактаб ишини ўзибўларчилик йўлига ташлаб қўйишаётгани ҳақида куюниб ёзишади. Мактабда соғ кўринган муаллим соғ одамни тарбиялайди. Носоғ ўқитувчи эса носоғ ўқувчини тарбиялайди. Бугун сиз ўқувчи кўз ўнгида гандиракласангиз, ўқувчингиз билан «уриштириб» ичсангиз, бачкана қилиқлар қилиб, уришиб-сўкишсангиз, эртага болаларингиз разилликни, ваҳшийликни, тошмеҳрликни қаердан олганийкин, деб ҳайрон бўлмай қўя қолинг. Уни сиздан ўрганади...

«Маърифат» газетаси аввал ҳам ўқувчиларга медаль бериш муаммосини кўтарган. Махсус мухбиримиз аралашиб Қашқадарё вилоятида халқ таълими бўлими айби билан берилмай ётган медалларни ўз эгаларига етказишда ёрдам берганди. («Лоқайдликми ёки...», 1990 йил 20 октябрь). Лекин шунча ибратли чиқишлардан кейин ҳам жойларда айрим кишилар зарур хулосаларни чиқариб олмаганга ўхшайдилар.

«Ўғлимиз Равшанбек Бегметов 1991 йили Оржоникидзе номли жамоа хўжалигида жойлашган мактабни олтин медаль билан тугатди. Ҳозир Тошкент давлат дорилфунунининг математика куллиётида таҳсил кўраяпти. Лекин ҳанузгача олтин медалдан дарак йўқ...», деб ёзибди Ўктам Бегметов Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидан. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари бу хусусда таҳририятга маълум қиладилар, деб ўйлаймиз.

Редакциямизга Фарғона вилояти Риштон туманидаги Янги замон қишлоғида яшовчи ўқитувчи Раҳимжон Холмирзаев 1990 йилдан буён Бешкапа жамоа хўжалигидан ер ололмаётганини, қўшимча даромади йўқлиги туфайли оиласи билан жуда қийналаётганини ёзган. Холмирзаев бу масалада Риштон тумани ҳокимиятига ёки вилоят ҳокимига мурожаат қилиши лозим. Зеро, ҳокимиятдагилар бундай ҳаётий аҳамиятга молик нарсага лоқайд қолмайдилар, деб ўйлаймиз.

Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги 34-мактаб жамоасининг мактуби ҳам ғоятда ташвишланарли. Улар мактабнинг бўлинмаси (филиали) жамоа хўжалиги томонидан Самар Тоҳировга сотиб юборилганини маълум қилишади. 1988 йили биринчи марта сотилганда «Маърифат» («Ўқитувчилар газетаси») аралашуви билан у қайта мактабга берилганди. Туман ҳокими, ички ишлар бўлими, халқ таълими бўлими, туман прокурори ҳам унга бас келишолмабди. Қизиқ, наҳотки, давлат қонун-қоидалари айрим шахслар учун кор қилмаса! Унда туманда ўтирган раҳбарларнинг...

Фарғона вилояти Олтиариқ туманида яшовчи Музаффар Абдазов олий маълумотли математика ўқитувчиси ихтисосига эга бўлишига қарамай, 1991 йилдан буён ишсиз эканини ёзади. Ёш ўқитувчининг ночор аҳволини кўриб-билиб турган туман халқ таълими бўлимидагилар унинг ҳам зорига қулоқ тутиб, иш билан таъминлашса, ажаб эмас.

Андижон вилояти халқ таълими бошқармасининг масъул ходими Шухратбек Келдиев узоқ йиллардан бери «Маърифат» билан ҳамкорлик қилаяпти. Очиғини айтганда, у ҳам қалам ҳақи учун ёзмайди. Энг долзарб мавзудаги хат-хабарлари билан доим бизни хушнуд қилиб келган Х. Йўлдошев, М. Қаюмов, О. Эгамбердиев, Қ. Тўлебоев, Х. Собиров каби бундай фаол мухбирларимиздан ҳамиша миннатдормиз...

Хатларда битилган дард-ташвишлардан маълум бўлаяптики, жойларда мактаб-маориф ишлари ҳали-ҳануз талаб даражасида эмас экан. Мен мактуб эгаларининг таҳририятимиз ходимларини «Бир келиб кетинг, мактабимизга» дея нола-фиғон қилишларини эмас, фахр-ифтихор билан, қувонч-шодлик билан кутишларини истардим...

Замира ТУЛАГАНОВА,
хатлар ва оммавий ишлар бўлими мудири.

АКС САДО

ДАСТУР ВА ЛУҒАТЛАР ЗАРУР

Келажакдаги ўзбек алфавити масаласида матбуотда олимларимиз, илғор ўқитувчилар ўзларининг турлича тавсиялари билан чиқмоқдалар. Баъзилар эски ўзбек ёзуви (араб алифбоси асосида)ни, баъзилар лотин алфавитини, баъзилар эса ҳозирги рус алфавити асосидаги ўзбек алфавитини ислоҳ этишни тавсия қилмоқдалар. Масалан, «Маърифат» рўзномасининг 1992 йил 17 октябрь сонида босилган доцент М. Ғуломовнинг «Бу йўлда хато қилманг» номли мақоласида ўзбек алфибоси тарихи ҳақида гапирилиб, ҳозирги вақтда «...лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини тиклаш масаласини ўйлаб кўриш керак»лиги таклиф этилади. Яна шу мақолада: «Ҳозирги кунда ҳам диний эътиқодларга кенг йўл очиб берилиши муносабати билан араб тилини мажбурий жорий этишга интилиш жуда ҳам тўғри эмас», — дейилади.

Бизнинг фикримизча, ҳеч ким «араб тилини жорий этишга» интилмаётган бўлса керак. Фақат матбуотда ва телевидениедаги олимларнинг чиқишларида таъкидланганидек, эски ўзбек ёзувини ёш авлодга ўргатиш уларни буюк бобокалонларимиз яратган нодир асарларнинг асл нусхаларидан баҳраманд бўлишга тайёрлаш мақсадида мактабларда ўқитилаётганлигини айтиш кифоядир.

Яна бир мақолага мурожаат этамиз. «Маърифат»нинг 1992 йил 22 февраль сонида ТошДД профессори Карим Назаровнинг «Энг катта муаммо ечилади» номли мақоласи ҳам босилган эди. Мақолада ўзбек алифбосини амалдаги ёзув асосида қайта ислоҳ қилиш тавсия этилган. Унда ўзбек алифбоси 30 та ҳарфдан иборат бўлиши, е, ё, ю, я графемаларини туширib қолдириш ва улар ўрнида йа, йо, йу, йа ҳарфий бирикмаларни қўллаш айтилган.

Ўйлаймизки, К. Назаровнинг мақоласида баён этилган мулоҳазалар тамоман асосли ва алифбомизни шу асосда қайта ислоҳ қилишнинг аллақачон вақти етди. Юқорида келтирилган М. Ғуломовнинг «лотин алифбосини қайта тиклаш» тўғрисидаги фикри эса она тилимизда яна кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради, деб ўйлаймиз.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ўзбек алифбосининг келгусида қандай шаклда бўлишини тилшунос олимлар ва мутахассислар иштирокидаги умумхалқ муҳокамаси белгилаши керак.

Бундан ташқари, айрим рўзнома ва журналларда чоп этилаётган байналмилал сўзларнинг турлича ёзилиши ҳам имло қоидаларимизни ҳар кўйга солмоқда. Масалан, «журнал» сўзи аввалига «мажалла», «жарида» тарзида ёзилиб чиқа бошлади, ҳозир эса «журнал» шаклида ёзилмоқда. Ёки ой номлари «ўктабр», «нўябр» кўринишида берилмоқда. Ваҳоланки, кўпгина рўзномалар («Маърифат») ўша ой номларини аввалги ёзилишида бермоқда. Энди буларнинг қай бири тўғрилиги ҳаммани ўйлантириб қўяди.

Тўғри, ўзбек тилимизнинг ўз талаффузи, қонун-қоидалари ва талаблари мавжуд. Бироқ ҳозир шу қоидаларни тартибга келтирган, маълум бир қолипга киритган бирорта имло қоидалари дастури ёки имло луғати йўқ. Бундан келиб чиқадики, ана шундай имло қоидалари дастури ва луғатлар айни пайтда жуда заруридир. Бу эса тилшунос олимларимизнинг ва мутасадди шахсларнинг зудлик билан бир қарорга келишларини тақозо этади.

Исомиддин АЗИМОВ,
Қамаши туманидаги А. Қаҳҳор номли ўрта мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси.

Нуқтаи назар

ТАЯНЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ МАКТАБ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ ҲАҚИДА

Ҳар қандай илм соҳасидаги тадқиқот ишлари ҳам мулоҳаза юритишдан бошланади. Мулоҳазалар хилма-хиллиги вақт ўтиши билан камайиб бориб, таҳмин (гипотеза) шаклига келади. Бу таҳмин мазмуни ҳар томонлама шу соҳада маълум бўлган, турғун қонуниятлар билан асосланганда кейин, равон илмий асосланган таҳмин (концепция) тусини олади, сўнгра амалиётда қўлланиб кўрилади. Амалиётдан муваффақиятли ўтгандан кейингина бундай илмий концепция назария босқичига ўтади. Фақат шундагина бу тадқиқот ишини жамият ижтимоий ёки иқтисодий ҳаётида қўллаш мумкин бўлади.

Фикримизча, Ўзбекистонда миллий мактаб концепциясини тузишда унга бир бутун қурилма (система) сифатида ёндашиш керак. Бу ҳозирги замон илмининг талаби бўлиб, тадқиқодчини янглиш концепция тузишдан сақлайди. Бизнинг концепция тузувчиларга тавсия этадиган методологик асос айнан мана шу қоидадир. Бу қоиданинг шартлари кўп бўлиб, улардан четга чиқмаслик керак.

Қурилмалар назарияси шартларидан бирида ҳар қандай қурилма бир-бири билан функционал боғлиқ бир неча бўлак (элемент)лардан ташкил топган бўлиб, ўзидан бир поғона юқорида турган қурилманинг бўлаги ҳисобланади ва айнан бир вақтда ўзидан кичик бўлган ва унга бўлак бўлиб хизмат қилаётган қурилмадан бир поғона юқорида туради, дейилган. Шундай экан, биз, аввало, «миллий мактаб» деб номланган қурилма ўзидан юқори турган қандай қурилманинг бўлаги ва ўз навбатида, ўзи мустақил қурилма сифатида қандай бўлаклардан иборат? Унинг бўлаклари ҳам (қурилмалар назарияси бўйича) ҳар бири мустақил қурилма бўлганлиги сабабли, улар қандай бўлаклардан тузилган? — деган саволларга жавоб бериб, сўнгра бу кўп поғонали мураккаб-ижтимоий қурилманинг ҳар бир босқичидаги бўлакларини қандай қилиб миллийлаштириш мумкин? — деган муаммони ечишимизга тўғри келади.

Фалсафа фанининг таърифича, халқ таълими қурилмаси, умум ижтимоий қурилма бўлаги деб ҳисобланган узлуксиз таълим қурилмасининг қисми бўлиб, ўз навбатида ўзи ҳам бир неча: умумий ўрта таълим, ўрта махсус таълим ва олий таълим деган бўлаклардан иборатдир.

Миллий мактаб моделини шакллантирмоқчи эканмиз, муайян ҳудуд аҳолисининг тарихий ривожланиш қонун-қоидаларидан, тўпланган кўникма ва маданиятидан, кишиларнинг аксарият ҳулқ ва феъл-атворидан, табиий ва иқтисодий шароитидан ҳамда жамиятнинг мактабга юклаган ижтимоий буюртмасидан келиб чиқиб, ўзбек миллий мактабини илмий асосланган тахминий қурилмасини тузиб чиқиш керак бўлади.

Қурилмалар назариясида ҳар қандай ижтимоий қурилмани атрофлича ўрганиш жараёнида унинг функционал, ташкилий, ҳудудий ва бошқарилиш жиҳатларини (томонларини) алоҳида кўзда тутган ҳолда ўрганиш лозим, дейилган. Шу билан биргаликда, қурилманинг бу жиҳатлари бир-бири билан функционал боғлиқ эканлигини унутмаслик ҳам керак. Бу бизнинг миллий мактаб тадқиқотчиларимизга тавсия қиладиган навбатдаги методологик тамойилдир.

Миллий мактаб функционал жиҳатлари деганда, мактабда болаларга ўқитиладиган фанлар ва тарбиянинг мазмуни ҳамда ўқитилиш жараёнининг барча қонун-қоидалари кўзда тутилади. Яъни у миллий мактабларда қабул қилинадиган мафкуралар, шу жумладан, дин асосларининг ўқитилиш масаласи; ўқитиладиган дунёвий илмларнинг сони, тури, ҳажми ва мазмуни; шу ўқув фанларига миллий тус бериш масалалари; ўқитиш вақтида қўлланиладиган асосий тамойиллар, ўқитиш услуб ва усуллари; ўқувчининг билимини баҳолаш муаммоси ҳамда ўқитувчи ва мактабни битирувчилар сиймосига қўйиладиган талабларни қамраб олади. Бошқача қилиб айтганда, мактабнинг жамият тараққиётида бажариши лозим бўлган ва ижтимоий вазифага тааллуқли нарсалар, яъни мактабнинг барча функционал жиҳатлари. бунга киради.

Мактабнинг функционал жиҳатларидан унинг бошқа жиҳатлари келиб чиқади.

Ташкилий жиҳатга: ўзбек миллий мактабида қандай алифбо қабул қилиниши керак? Болаларни мактабга қабул қилиш қонун-қоидалари қандай бўлиши шарт? Миллий мактабда болалар неча йил ўқийди? Синфларда болалар сони қанча бўлиши мақсадга мувофиқ? Улар ҳафтасига неча кун ва неча соат ўқийдилар? Бу мактабларда қизлар ва ўғил болалар бирга ёки алоҳида тарбияланишадими? Ўқиш жараёни синфларда ёки махсус иш жойларида кечадими? Шулардан келиб чиқиб, мактаб бинолари ва ичидаги жиҳозлари қандай бўлиши зарур? — деган саволларга жавоб беришни киритганмиз. Булардан ташқари, жиҳатларга миллий мактаб биносининг ташқи кўриниши, уларда хизмат қиладиган ўқитувчилар ва ўқийдиган болаларнинг ташқи қиёфаси қандай бўлиши кераклиги ҳам киради.

Миллий мактаб қурилмасининг ҳудудий жиҳатларига мактабнинг ҳар бир туманда жой-жойини топиб, миллий меъморчилик асосида унинг биносини ва ҳудудий режасини лойиҳалаштириш ҳамда жойларда қурилишни ташкил қилиш масалалари киради. Бу жабҳа асосан меъморларнинг иши бўлиб, мактаб қурилмасининг функционал ва ташкилий жиҳатларидан келиб чиқади. Буни ижро этиш учун меъморчиликда янги соҳа — миллий мактаб меъморчилигини яратиш керак бўлади.

Миллий мактаб қурилмасининг бошқарилиш жиҳатларини ўрганиш «Ижтимоий қурилмаларни бошқариш» деган илм тармоғининг вазифасидир. Миллий мактаб концепциясининг функционал ва ташкилий жабҳалари тузилгандан сўнг «бошқариш илими» деган илм тармоғининг билим хазинасидан фойдаланиб, миллий мактаб бошқарилиш қурилмасини тузиб чиқиш лозим бўлади. Мактаб қурилмасининг бу жиҳатларига, у узлуксиз таълим қурилманинг бўлаги бўлганлиги туфайли, ўзи билан бир поғонадаги (ўрта махсус, олий таълим) қурилмалар билан ҳамда ўзидан юқори поғонадаги ижтимоий қурилмалар билан функционал боғланиш қонун-қоидалари, унинг молиявий масалалари (шу жумладан, ўқитувчиларнинг маоши ҳажми), мактаб маъмуриятининг юқори бошқарма ва ўз жамоасидаги ўқитувчилари билан муносабат меъёрлари, мактаб маъмурияти ва ўқитувчиларнинг ота-оналар билан боғланиш тамойиллари ва бошқа масалалар қамраб олинади.

Ўзбек миллий мактабининг қайд қилинган жиҳатларини қандай қилиб миллий мазмун билан тўлдириш керак, деган саволга жавоб беришдан олдин, аввало, шакллантирмоқчи бўлган мактаб номини «ўзбек миллий мактаби» деб атаганимизни асослаб беришга тўғри келади.

Биз одатда, ўзбек миллий мактаби деганда, Ер куррасидаги бошқа ҳудудларда мавжуд бўлган миллий мактаблардан ўз хусусиятлари билан фарқ қилувчи ва жумҳуриятимиз учун самарали хизмат кўрсатадиган, шу билан биргаликда муайян ҳудудда шу кунда яшаб келаётган аҳолининг таълим-тарбияга бўлган талаб ва эҳтиёжини қондира оладиган янги турдаги мактабни тушунамиз. Бундай мактаб, фикримизча, ҳар қандай мафкурани танҳолиги ҳуқуқидан ҳоли бўлиб, туб аҳолининг физиологияси, руҳияти, минг йиллар мобайнида тўплаган маданияти, табиий ва иқтисодий шароитларидан келиб чиқиб ҳамда жаҳон педагогика, психология фанларини ва бошқа илмларнинг қонун-қоидаларини ҳисобга олган ҳолда айни пайтда жамиятнинг келажакка тузган мақсад ва режаларини амалга оширишга хизмат қилувчи билим ва тарбия маскани бўлиши керак.

Янги турдаги мактабларда (ўқитиладиган тилидан қатъи назар) ўқиб ва тарбия топган ҳар қандай миллат боласи замонасининг етук фарзанди бўлиб етишиши билан биргаликда, Ўзбекистоннинг ерли халқи бўлиб келади. Ерли халқ деб, биз унинг танасининг ранги, юз-кўз тузилиши ва тилига қараб эмас, балки ерли аҳолининг эътиқоди бор-йўқлигига қараб белгилашимиз керак. Ерли аҳоли эътиқоди бор деганда, одам қайси миллат кишисига мансублигидан қатъи назар, ўсиб, униб ва тарбия кўрган ҳудудга Ватаним деб, меҳр қўйган, шу ҳудуд туб аҳолисининг тарихи, маданияти ва тилини яхши билган, унга чин кўнгилдан садоқатли ва унинг ривожига ҳисса қўшган инсонни тушуниш керак. Бундай инсонни шакллантирувчи мактабни эса миллий мактаб деса бўлади.

Биз юқорида қайд этган жиҳатлар Ўзбекистонда миллий мактаб ташкил қилишнинг асосий методологик тамойилларидир. Бу хайрли иш билан шуғулланувчи кишилар бўлғуси миллий мактабнинг маълум бир томонини (аниқ бир бўлагини) ўзларига тадқиқот иши қилиб танлаб олгандан кейин, юқорида қайд қилинган методологик асослардан чекинмасдан миллий мактаб қурилмаси тахминий моделининг бир масаласини илмий асосда ҳал қилиб беришлари керак.

Умуман, миллий мактабни илмий асосда яратиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидандир. Бу хайрли ишга муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир педагогнинг, олимнинг, халқ таълими тизими ходимининг, амалиётчи ўқитувчи ва тадқиқотчининг шарафли ишидир. Айни пайтда бу педагогика соҳаси зиёлиларининг келажак олдидаги муқаддас бурчи ҳамдир.

Зиёмуҳаммад Бўри ҒУЛОМНАЗИР ўғли,
А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти ўқитувчиси, фалсафа фанлари доктори.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

САВОЛ: Қишлоқда ўқитувчилик қиламан. 7 сотих ер-участкам бор, хонадон бошлиғиман. Айтинг-чи, қишлоқ ўқитувчиси қайси ҳолларда қишлоқ хўжалик солиқларидан озод этилади. Агар ернинг маълум қисмига гул экилса, солиқ олинадими?

ЖАВОБ: Қишлоқ хўжалиги солиғи ҳақидаги қонуннинг 16-моддасига мувофиқ қишлоқ жойларидаги умумий таълим мактабларининг ўқитувчилари, пенсионер ўқитувчилар, мактаб директорлари, уларнинг ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, тарбиячилар, болалар уйларининг меҳнат бўйича инструкторлари даромад солиқларидан озод этиладилар. Бунда қонунчилик қуйидаги шартларни кўяди:

а) маориф ходими оила бошлиғи бўлиши лозим;

б) хўжаликда томорқа ер-участкасининг майдони белгиланган нормадан ошиқ бўлмаслиги шарт;

в) хўжаликда боқилаётган уй ҳайвонлари кўрсатилган меъёрдан ошиқ бўлмаслиги шарт;

Демак, кўрсатилган шартларга тўғри келадиган ҳар бир қишлоқ ўқитувчиси даромад солиқларидан озод этилади. Шунингдек, улар нормадаги ер-участкаларининг бир қисмига гул экиб даромад қилсалар ҳам бундай имтиёздан фойдаланишлари мумкин. Чунки қонунда ер-участкаларидан қандай ҳосил олинганида даромад солиғидан озод этилиши ёки озод этилмаслиги белгилаб қўйилмаган.

МУЗЕЙ МОЗИЙ ГУВОҲИ

Қарши туманидаги Ленинизм ўрта мактабида жамоа ташаббуси билан Осоро — атиқалар хонаси (музей) ташкил этилди. У ердан жой олган ўзбек халқининг миллий деҳқончилик асбоблари — омоч, ёрчоқ, чиғил, торози, ғилдирак, қадимги халқимизнинг турли хил экинлар уруғидан намуналар, миллий чолғу асбоблари, қадимги танга пуллар, қоғоз пуллар, миллий либослар — яктак, каштали кўйлак, паранжи, ялан, уй-рўзғор буюмлари — қумғон, офтоба, сават, лаган, эски ёзувлар, каштачилик турлари, қадимги сопол ўйинчоқлар, сопол идишлар ва шу каби кўплаб ноёб экспонатларнинг ҳар бири мозийдан сўзлайди.

Осор — атиқалар хонасини шу мактабнинг тарих фани ўқитувчилари О. Оромов, Г. Туробова, адабиёт фани муаллими Э. Эргашевлар ташкил этишди.

Ҳ. НАЗАРОВ.
Қарши тумани.

ҲАЗРАТ НАВОИЙ ТИЛЛАРДА ВА ДИЛЛАРДА

Яқинда Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманидаги 254-мактаб ниҳоятда гавжум бўлди. Пойтахтдаги мактаб ўқувчилари Навоий таваллудининг 552 йиллигига бағишлаб тайёрлаган энг сара деворий газета, альбом, рангли расмлар, кўргазмали қуроллар-ни бу ерда намойишга қўйдилар. Сўнгра, «А. Навоий — шеърият осмонининг сўнмас юлдузи», деб номланган бадиий-мусиқий ва илмий анжуман бўлиб ўтди. Бу анжуманда Тошкент шаҳар қўмитаси, Халқ демократик партияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ходимлари қатнашишди.

Анжуманда шаҳар тил ва адабиёт ўқитувчилари А. Қаюмов, С. Эркинов, Ҳ. Бекмирзаев, Б. Валиевларнинг Навоий девонлари, Навоий асарлари луғати ҳақидаги фикрларини маъқуллашдилар. Шунингдек, шоир Муҳаммад Алининг Навоийнинг «Келмади» ғазалига ёзган муҳаммасини завқ билан тингладилар.

Тадбирнинг иккинчи, яъни бадиий қисмида 133-мактаб «Зиёкор» дастаси ижро этган (раҳбари А. Абдуазимов) қўшиқлар, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳ. Ражабийнинг Навоий ғазаллари билан айтилувчи қўшиқлари, шунингдек, 196, 308, 14, 118, 4-мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган «Нон иси» номли саҳна кўринишн барчага манзур бўлди. Айниқса, 107 ва 276-рус мактабининг ўқувчилари миллий кийимимизда чиқиб, Навоий ғазалларини ўзбек тилида ёд айтишлари уларнинг тилимиз ва адабиётимизга бўлган чуқур муҳаббатини кўрсатди.

Юнусобод туманидаги 21-ўрта мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган «Навоий» драмасидан саҳна кўринишн кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди.

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи.

ЧЕВАРЛАР МАКТАБИ

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган жумҳурият ўқув комбинатида ҳар йили 600 нафардан ортиқ инженер-техник ходимлар, мактабларни тамомлаб, тикувчилик курсларини битирган ёш чеварлар ўз малакаларини ошираётирлар.

— Ўқув комбинатимизда, — дейди унинг директори Н. Петронина республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келган мутахассис ва ишчи кадрлар малакаларини оширишади. Бунинг учун комбинатимизда барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Педагог-мастерларимиз курс тингловчиларига чеварлик сирларини ўргатиш учун астойдил ҳаракат қилишади.

Биз ўқув комбинатига Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидан келган ёш чеварлар иши билан танишдик. Ўрта мактабни тамомлаб, бир йил тикувчилик қилган бу ёшлар ўқув комбинатининг II гуруҳида малака оширишмоқда. Улар ўн ой мобайнида аёлларнинг кўйлаклари ва устки кийимларини тикишни мукаммал ўзлаштириб оладилар.

Сиз кўриб турган суратда ғаллаоролик чеварлар кўйлак тикишни ўрганишмоқда.

Суратқаш У. ҚУШВОҚОВ.

Бобур таваллудининг 510 йиллигига

ТАБИАТ КУЙЧИСИ

XV—XVI асрнинг буюк давлат арбоби, ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намояндаси, шоир ва мутафаккири, қомусий билимлар соҳиби, тадқиқотчи олим Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483—1530) ўзидан жуда кўп илмий, адабий мерос қолдирган. Улар ичида энг мукаммали ва аниқ манбаларга бойлиги билан ажралиб турувчи асари «Бобурнома»дир. Бобур ва «Бобурнома» ҳақида жаҳон ва ўзбек шарқшунослари кўп ёзишган, баҳс эса ҳамон давом этмоқда.

Изланишларимиз Бобур ижодининг кам ўрганилган яна бир қирраси — унинг табиатга бўлган муносабати масаласи ҳақида.

Бобур — арабча «Шер» деган маънони билдиради. У қанчалик шерюрак, жасур ўз эътиқоди, мақсади йўлида жангу жадалларда ғаним душманларига шафқатсиз бўлмасин, юмшоқ кўнгилли, табиатсевар, ҳайвонот набототига нисбатан меҳр-шафқатли бўлган. Замондошларининг гувоҳлик беришича, бир куни отаси Умаршайх мирзо билан овга чиққан, ёш Заҳириддин кийикни отмоқчи бўлиб турган отасининг камонини ушлаб қолган ва она-бола кийикни ўлимдан сақлаб қолганлиги қайд этилади.

Табиат шайдоси Бобур жангу жадалларда ҳам табиат қўйнида ўзини овутди, Афғонистон, Ҳиндистонда ўз салтанатини ўрнатгач, сувсиз жойларга сув чиқариб боғлар, гулзорлар яратди. Лекин Ватани Мовароуннаҳр, она — юрти Фарғона водийси табиати: кўркам боғлари, дарё-тоғлари, ўсимлигию ҳайвонот оламини қўмсаб яшади. Бу соғинчни «Бобурнома» (Т., «Юлдузча», 1990) асаридан билиб оламиз.

Андижонда мевалардан узум, нашвати, полиз экинларидан қовун машҳур бўлиб, «Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас... Ови қуши дағи кўп бўлур, қирғовули беҳад семиз бўлур...» (биттасини) тўрт киши еб тугата олмайдур».

Марғилонда «Бир жинс анор бўлур, «доно колон»-дерлар, чучуклигида зардолу (ўрик) майхушлиғидин андан чашни бор... Яна бир ўрук бўлурким, доносини олиб ичига мағз солиб қурутурлар, «субхоний» дерлар, бисёр лазиздур» (7-бет. Бундан кейинги китоб бетлари юқорида кўрсатилган нашрга тегишли).

Конибодомнинг «бодоми яхши бўлур. Бу жиҳатдан бу исмга мавсумдур. Ҳармуз ва Ҳиндустонга тамом мунинг бодоми борур» (7-бет).

«Ахсида» Бир нав қовундурким, «Мир Темурий» дерлар, андоқ қовун маълум эмаским, оламда бўлғой...» (8-бет).

«Рубъ маскунда (Ер юзининг одамлар яшайдиган қисмида — Т. К.) Самарқандай латиф шаҳар камроқдур... Кўҳақ суйи (Зарафшон дарёси — Т. К.) шимолидан оқар...

Шундай қилиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур чин маънода табиатсевар киши бўлган. Инсон билан табиат ўртасидаги муносабат масаласини, айтиш мумкинки, ҳали илм-фанда «Экология» атамаси пайдо бўлмасдан бир неча аср илгари билган ва тўғри ҳал қилган.

К. ТЕШАБОЕВ,
Фарғона вилояти Риштон туманидаги А. Мўминов номли мактаб ўқитувчиси.

Янги китоб

«ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ»

Шахсга сиғиниш йиллари эндиликда мудҳиш тарих бўлиб қолди. Қатағон йилларининг зулми, туҳматлари не-не истеъдодларнинг умрини ҳазон қилди. Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Боту, Усмон Носир каби юзлаб ўзбекнинг зиёбонлари қатағон даври қурбонлари бўлдилар. Уларни оқлаш, номларини тиклаш, ҳақиқатни юзага чиқариш учун қанчадан-қанча қийинчиликларга дуч келинди. Эндиликда, улар қисматлари ҳақида очерклар, бадиий публицистик асарлар яратилмоқда. Яқинда «Ўзбекистон» нашриёти томонидан босмадан чиқарилган Ислом Усмоновнинг «Қатағон қурбонлари» китоби ҳам ватандошларимиз қисматларини тавсиф этади.

Истеъдодли журналист Ислом Усмонов кўп йиллардан бери изланишлари, тадқиқотлари маҳсули сифатида тарихимизнинг ўқилмаган маълум саҳифаларини яратишга муваффақ бўлди. Шунинг учун ҳам, «Қатағон қурбонлари» китобига сўз боши ёзган атоқли давлат арбоби, Ўзбекистон Республикаси Тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамияти ҳайъатининг раиси Нуриддин Муҳиддинов: «Мазкур тўпламда ўрин олган қатор тадқиқот очерклар китобхонларда катта қизиқиш уйғотади ва уларни халқимиз босиб ўтган мураккаб ҳаёт йўлига бефарқ қарамасликка ундайди», деган хулосани айтади.

«Қатағон қурбонлари» китобига муаллифнинг 15 дан ортиқ очерки жамланган. Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Санжар Сиддиқ, Камол Шарипов ва бошқалар қисмати тўғрисидаги очерклар қатағон йиллари даврининг даҳшатли қиёфаси далиллар асосида тавсифланади.

Фикримизча, бу китоб тарихий аҳамиятгагина эга бўлиб қолмай, балки катта маърифий аҳамиятга ҳам моликдир. «Қатағон қурбонлари»даги очерклардан мактаб ва олий ўқув юртларининг ўқитувчилари тарих, адабиёт ва бошқа дарсларда қўшимча манба сифатида фойдаланишлари ҳам мумкин.

М. РАҲМОНОВ.

ОДОБ-АХЛОҚ МАВЗУИДА

ҚАРИ БИЛГАННИ ПАРИ БИЛМАС

Ҳа, дарҳақиқат дунёдаги барча буюк сиймоларни — доҳийлару саркардалар, қаҳрамонлару уламолар, фузалолар, устаталару ҳунармандларни вояга етказган — она. Шунинг учун ҳам у дунёдаги энг улуғ зот. Пайғамбаримизнинг ҳадисларида таъкидланганидек, ўғил онасини елкасига ортиб 7 марта ҳажга олиб бориб келса, фақат 1 та қарзидан қутилар экан.

Ҳозирги даврда соғлом турмуш тарзимизнинг бош масаласи онани эзъозлашдан бошланса, ажойиб иш бўлар эди. Афсуски, бу борада етарлича иш қилинган, деб айтолмаймиз. Ота-она ҳурмати, уларнинг таълим-тарбияларини қадрлаш масаласи билан чамбарчас боғлиқ бир муаммо бор. У ҳам бўлса келинларнинг қайнота ва, айниқса, қайноналар билан муносабати масаласидир.

Шубҳасиз, келинлар кўпроқ вақтларини қайноналари ёнида ўтказадилар. Шу боисдан у билан яхши алоқада бўлсалар, ҳаёт яхши кечади. Лекин ҳозирги келинларнинг ўндан биттаси қайнонасини туққан онасидек эзъозлайди, холос. Ҳаётдаги барча норозилик, жанжал-тўполонлар шундан келиб чиқмоқда. Ваҳоланки айни даврдаги оналар — қайноналарнинг аксарияти маърифатли, маданиятли бўлиб, қалбларида фақат эзгу ниятлар мужассам десак, хато бўлмаса керак. Бироқ замонавий ёшларимиз шу оддий ҳақиқатни тўғри тушунмайдилар. Қайноналарнинг ўгит-насиҳатлари келинларнинг қадр-қимматини камситишга, уларнинг мустақил фикр юритишларига, ҳаттоки мустақил ҳаёт кечиришларига қарши қаратилган, деб баҳолайдилар. Ўғиллар ҳам оналари фикр-мақсадини ўз қаллиғига холисона тушунтириш ўрнига, онасининг ҳаракатидан камчиликлар топишга уринадилар, уни тушунмаслик, қолоқликда айбламоқчи бўладилар. Бундай аҳвол келинларда қайнонага нисбатан нафрат ўтини алангага олдиради. Онаизорнинг дили оғрийди.

Кўпгина йигитлар куёв бўлгач, волидаи меҳрибони ва падари бузрукворини унутиб қўймоқдалар. Шунда ҳам ота-она ўз фарзандининг хатосини чидам билан тузатишга, нотўғри йўлдан қайтишга чорлайди, холос. Айниқса, она ҳар қандай ҳолда ҳам фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Чунки жигарбандини жонидан ҳам яхши кўради.

Шундай вазият ҳам рўй беради: келин аччиқ устида боласини етаклаб ўз отасининг уйига боради. Шунда отаси қизининг гапларини диққат билан эшитиб, уни тинчлантириб, воқеанинг моҳиятини англаб сўнгра хулоса чиқарса, холисона ва оқилона иш қилган бўлади. Агар масала, шу тахлитда ҳал қилинмаса, жуда катта хатога йўл қўйилади.

Оила — жамиятнинг узвий бўғини. Иложи борича унинг бузилмаслиги учун курашиш лозим. Ҳозирда Тошкентнинг ўзида ҳар йили қонуний никоҳ рўйхатидан ўтган ёшларнинг ярмидан кўпроғининг турмуши бузилиб кетаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бунинг сабаби ёшларимиз тарбиясининг издан чиққанлигидадир. Уларнинг тинч, фаровон ва бахтли ҳаётини таъминлаш учун ҳам ахлоқий, ҳам ҳуқуқий қонун-қоидалардан тўғри, холисона фойдаланайлик.

Қадимий урф-одатларимиз, қадриятларимиз тикланяпти. Ота-боболаримизнинг каттани ҳурматлаш, кичикни иззат қилиш ҳақидаги панд-насиҳатларига амал қилганлар асло кам бўлмайди.

А. ШУКУРОВ,
ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Олий Суди бўлими бошлиғи.

ЭТЮДЛАР

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Ҳалқасўлар ижоди

БУЛБУЛ ҲАҚИДА ЭРТАК

Ботириб шинам бир биллур идишга,
Овоз пасайганда ютар ютинниб.
Яна авжга чиқиб созини эшар
Гулнинг этагига суртиб нўлтини...

Нима экан шинам биллур идишда?
Ойни ютса, гулнинг келади ғаши.
Сармаст бўлган булбул мияси шишган,
Оппоқ, ҳарир тонгни олади қарши.

Қафасда юраги ёрилиб ўлар,
Ҳайронман дунёнинг бу сирларига.
Балким булбул тақлид қилмоқчи бўлар
Охир замонанинг шоирларига.

* * *

Димоғ билан сўзлаш сен учун фахр,
Нақ чақиб оласан, ҳар гапинг тахир.
Қўрқгум, ажойиб бир кунда сени ҳам,
Бадном этадиган топилар ахир.

* * *

Лоп этиб ёнамиз, ақлимиз шошар,
Саёз сой сел келиб ҳайқирар, тошар.
Диллар қасрин бузмай бир-биримиздан
Йироқ юрсак балким қадримиз ошар.

Мўмин АВАЗОВ.
Сирдарё шаҳри, ўқитувчи.

ЎХШАШЛИК

Гўдаклик, кексалик нақадар ўхшаш;
Сийрак соч, сийрак тиш, беғубор юрак...
Мунғайиб олишлар ва маъюс қараш,
Меҳру-саховатга ташна — зор юрак!

«Она», деб талпинса, гўдак илк бора
Нозик қўлларини чўзиб ҳаётга,
Кекса ҳам қўлларин чўзмоққа тайёр
Умр деб аталган бахт-саодатга.

Ҳаётга эмаклаб келади бири,
Айрилгиси келмас она кўксидан.
Ҳаётдан эмаклаб кетади бири,
Айрилгиси келмас олам кўксидан...

* * *

Кўзгуга қарайсан,
Хаёлинг чигал.
«Наҳотки, қаридим?» — дейсан оҳиста.
«Уҳ» тортиб қўясан, боққанда ҳар гал,
«Уҳ» тортиб кўзгудан кетасан аста.

Сочингнинг икки-уч тола оқини,
Қариликдан, дея ўйлайсан наҳот?
Кўзларингда кўрдим гул нигоҳини,
Умидинг бахт бўлса, қўшиқдир нажот!..

Ш. УМАРОВ.

МАКТАБДА НАФОСАТ БАЙРАМИ

Шу кунларда пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги мактабларда «Илҳом чашмалари» танлови бўлиб ўтмоқда. Ҳар бир мактабда танлов қатъий талаблар асосида олиб борилиб, энг яхши ижрочи муносиб баҳоланмоқда.

Тумандаги 135-мактабда байрам танлов концерти билан бошланди. Унда турли ёшдаги ўқувчилар ўз қобилиятлари ва маҳоратларини намойиш этишди. Айниқса, П. Макарчук раҳбарлигидаги 1-синф ўқувчилари замонавий ва балл рақсларини ижро этишди. 3-синф ўқувчилари эса «Бўғирсоқ» ҳамда «Шолғом» қўғирчоқ спектаклларини кўрсатишди. Мактабнинг 9-синф ўқувчиси Шоҳида Шоумарова арабча рақсни маҳорат билан ижро этди. Бир неча йил музика мактабида таълим олган Лена Демакова ҳамда Наргиза Ҳотамовалар ҳам залда тўпланганларнинг олқишига сазовор бўлдилар.

Мухбиримиз.

СУРАТЛАРДА: Т. Асулгалиева раҳбарлик қилаётган қўғирчоқ тўгараги аъзолари; саҳнада — кичкинтой артистлар; меҳмонларни нон-туз билан кутиб олиш пайти.

В. КИРИЛОВ олган тасвирлар.

ТАРБИЯВИЙ СОАТ

Ассалому-алайкум, болалар! Ўтиринглар. Хў-ўш, мана сизлар билан тарбиявий соатга йиғилишиб турибмиз. Ҳамма борми? Ярмимиз йўқ? Ҳа, энди кўклам-да, тирикчилик, ота-оналарига ёрдам беришаётгандир. Учтасига боя ўзим рухсат қилдим. Пиллага барг обкелишлари керак экан. Ҳа, айтмоқчи, пилла... Хў-ўш, кўкламнинг бир куни йилга тенг дейишган. Ҳозир илашган нарсани қадайвериш керак, бир куни роҳати ҳам бўлади.

Хў-ўш, айтмоқчи, дарсимиз тарбиявий соат. Нима экан, Холтожиева? Ҳа, тарбиявий соат. Бугунги дарсимизнинг мавзуси, э-э, шошманглар. Сен мунда кел, Саттор. Эшикнинг ёнига юр. Қулоғингга айтай: булар эшитмасин. Хў-ўш, сенга Жўрақул билан Юсуфалини кўшиб берай. Хўп де. Бизникига ўтиб боринглар. Иккита фартук олинглар. Аста ўрлаб учинчи бўлимнинг тутзорига боринглар. Қоровул кўрмайдиган томонидан ўтиб, баргдан юлиб фартукка тиқаверинглар. Иложи бўлса бировнинг қоровулни гапга тутиб тур. Бундай нарсани Жўрақул эплайди. Агар пайқаб қолса ҳам олганларингни ҳалоллаб қочинглар. Нима? Ўзларингга ҳам барг керак бўлса ана, Раҳимниям қўшиб ол. Хў-ўш, сенга ишонаман. Бундай ишлардан нечтасини қойил қилгансан, тўғрими? Маладес. Салимип! Бўтайип! Силар Ҳакимипнинг изидан боринглар, озроқ иш бор. Айтмоқчи Қодирип, сенам. Сумкаларни олинглар, шундан шуёққа уйга.

Хў-ўш дарсимиз темаси. «Меҳнат бахт келтиради». Нима экан, Холтожиева? Ҳа, баракалла. Доскага ёзамиз. Ана, шундай. Ҳай, айтмоқчи Шералиева, мунда бир қара. Энди сенга озроқ илтимос бор, синглим. Ўзингнинг хабаринг бор, уйда пилла бор. Янгангнинг пиллага қарашдан бошқа нарсага умуман қўли тегмай қолди. Эрталаб келаётсам, шу ўзимизга яқинроғидан иккитагина қиз юборинг, озроқ ёрдам берсин, деб қолса денг. Агар кўнглингга олмасанг дугоналарингнинг бошқаси билмасин-у, ўзингга яқинроғидан бировни олиб ўтгин. Ҳамидами? Ҳа, майли, бўлади. Тағин... Сени оғайин, деб айтдим-а, синглим. Янгангнинг қўли тегмай укаларинг бу тоза... Шу озроқ кир ювиб қайтасиларда. Сумкаларни олаверинглар, шундан шуёққа уйгада. Норбоева Гулига озроқ нарса тайинладим, шуни ҳам қилишиб юборасанми? Ҳа, раҳмат боравeринглар. Хў-ўш, давом этамиз. Темамиз нима ҳақида экан, Холтожиева? Дуруст, меҳнат ҳақида. Биласизларки,.. Ҳа, чима дейсан, Хўжамуродова? Жавоб? Нега? Отам қовун экамиз деганди. Маъқул! Жуда маъқул. Экинглар. Пишса бизларни ҳам йўқлайсизлар-а! Бора қол, ҳазил-да энди.

ҲАЖВИЯ

Давом этамиз, демак темамиз меҳнат ҳақида, унинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида. Хў-ўш, аввало меҳнат ҳақидаги мақоллардан эслайлик-чи. Қани Холтожиева! Бирорта мақол айт-чи. «Меҳнатнинг таги роҳат»? Дуруст. Ҳақиқатдан... Ҳа-я, айтмоқчи сен мунда кел-чи, Тожибек. Иш билан бўлиб бизнинг уй олдидаги маккалар тоза қовжирабди-да. Ўзи эндигина униб чиққанди. Макка сувсизликка чидамсиз бўлади. Сувни ўзинг биласан қандай қўйишни. Қулоқдан очгандан кейин Амирқулбой уйининг олдидан бурилади. Тушунтириб ўтирмайман, икки йил постаянно ўзинг сув қўйдинг-ку. Тўраевни ол. Қулоқ-пулоқни бекитишади. Бир халта дори бор, сувлашдан олдин янчиб сепалай. Айтилган ишларни қандай бажаришяпти, бир контрол қилишим керак. Ўзимни ҳам қанча иш кутяпти-ей.

Аллаберди МАҲМАТМУРОДОВ.
Сурхондарё вилояти.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

«КУЙЛОВЧИ» ТЕПА

Қозоғистондаги Или дарёнинг қирғоғидаги куйловчи қумтепа чўлдаги қиш изғиринларининг овози билан рақобатлаша олади. Бу жойларга хос қаттиқ шамоллар бир неча асрдан бери дарёнинг саёз жойларидан қумни учириб, тепа қилиб келмоқда. Қумтепанинг тик ёнбағри 150 метргача кўтарилган. Динозавр орқасига ўхшаб кетувчи ўткир қирраси қарийб 2 километрга чўзилган.

Шамол кучайганда тепанинг тишини қум зарралари тутундек қоплайди, шамол тинганида эса қумтепа «куйлай» бошлайди, ҳатто дарёдан сузуб бораётган биржаларнинг гудокларини ҳам босиб кетади. 3 километр наридаги бакенчи уйининг дераза ойналари дириллаб кетади.

Кола ярим оролида, Байкал соҳилида, Рига денгиз бўйида, Днепр, Ока ва Лена соҳилларида ҳам «куйлайдиган» қумтепалар бор. Лекин Или водийсидаги бу ҳодиса энг зўри экан.

ҚОРОВУЛ ҒОЗЛАР

Италия пойтахти Римни ғозлар қутқариб қолганлигини кўпчилик билади. Душман яқинлашиб келганда улар ухлаб ётган одамларни уйғотишган. Ҳозирги кунда ҳам ғозлардан қоровул сифатида фойдаланилмоқда.

Шотландиядаги омборлардан бирида уч юз миллион фунт стерлинглик виски солинган бочкаларни ғозлар қўриқламоқда. Саксонта ғоз йигирма йилдан ошиқдирки кечаю кундуз хизматда. Шу йиллар мобайнида бир томчи ҳам виски ўғирланмаган. Агар биронта бегона киши омборга кириб қолса, ғозлар қаттиқ шовқин кўтаришади. Натижада, ҳатто қаттиқ ухлаб қолган қоровуллар ҳам уйғониб, чопиб келишади. Илгари бу ерни итлар қўриқлашарди. Уларни ўғрилар тезда қўлга ўргатиб олиб, бемалол омборни ўмаришган. Лекин талончилар ғозларни ҳеч «қўлга» олишолмаяпти.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАҚИМ.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Одамнинг ўртача ҳисоб билан ҳар минутда 125 — 160 сўз сўзлаши исботланган.

●

Киши қариган сайин ички органларининг оғирлиги камая боради. Масалан, 29 ёшдаги эркак миясининг оғирлиги ўрта ҳисобда 1389 грамм бўлса, 70 ёшида 1266 грамм бўлади.

●

Одам оғирлигининг 7 фоизи қондан ташкил топади. Агар оғирлиги 70 килограмм бўлса, унда унинг организмида 5 литр қон борлиги маълум.

●

Инсон танасидаги капиллярнинг узунлиги, агар бир чизиқ билан тортса, таҳминан, 100 минг километр бўлади. Бу дегани Москва билан Владивосток орасидаги масофадан ўн марта кўпдир.

●

Киши танасидаги меҳнаткаш орган юрак ҳисобланади. Агар юрак минутига ўрта ҳисоб билан 70 марта урса, бир кеча-кундузда 100 мингдан ошиқ, бир йилда 35,6 миллион, 60 йилда 2 миллиард 200 миллион марта уради.

Агарда юракнинг уриш кучи оғирлик кўтаришга сарфланса, у бир одамни Кавказ тоғининг Эльбрус чўққисига 20 кунда элтиб қўйишга қодир.

Қ. ТУЛЕБОЕВ тўплаган.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Азиз муштарий!

Аввал қуйидаги ном ва сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

Очқич:

1. Ислом динининг муқаддас китоби — 21, 23, 1, 15, 7, 5. 2. Навоий, Бобур замондоши, тарихчи олим — 19, 7, 5, 4, 6, 8, 2, 1. 3. Алишер Навоий сиймосини кино экрани ва театр саҳнасида гавдалантирган санъаткор — 10, 6, 8, 1, 7, 9, 27. 4. Навоий ғазали билан ижро этиладиган мумтоз қўшиқлардан бири — 12, 13, 1, 8, 6, 4, 2, 8. 5. Бир ёки бир нечта шоирларнинг шеърий тўплами — 26, 6, 24, 20. 6. Алишер Навоий шарқ бадиий ижодиётида юксак даражага кўтарган шеърият тури — 18, 6, 20, 6, 3. 7. Қасиданавис шоир, Алишер Навоий замондоши — 26, 2, 5, 7, 2, 11. 8. Фахр, ифтихор сўзлари маънодоши — 16, 6, 1, 6, 25. 9. Мадрасада дарс берувчи киши — 8, 23, 4, 6, 1, 1, 2, 22. 10. Ҳар қандай моддадан ҳоли, озод — 17, 1, 12, 2, 5. 11. Тарашланган ва қиммат баҳо олмос — 14, 6, 27, 10, 6, 1.

Энди жавоблар асосида шаклдаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб машқни ҳал этинг. Бунда улуғ мутафаккир шоир Мир Алишер Навоийнинг пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-салом ҳадисларининг шеърий баёни бўлган «Арбаин ҳадис» асаридан тўрт мисра аён бўлади.

Фозилжон ОРИПОВ.



МАСАЛЛАР

ИККИ КИТОБ

Иттифоқо бир кун китоб жавонида,
Икки китоб учрашиб қолди.
Қалин, семиз китоб ўзин ёнида —
Эскироқ китобни кўриб сўз олди:
«Вой-бу, мунча қариб, эзилмасанг-а?
Турқингни қарагин, бўлмайди таниб.
Ҳеч кимса қайрилиб боқарми сенга,
Юрибсан-да, сен ҳам мен китобман деб.
Бизга тенглашишга ким қўйибди, бе-е...
Номинг борми ўзи, айт-чи?»
«Алифбе», —
Дея жавоб берди ҳалиги китоб.
Ҳамроҳи негадир жим қолди шу тоб.

ЧИНОР БИЛАН БАҚАТЕРАК

Чинор билан бақатерак ўсди ёнма-ён,
Аста-секин илдиз отиб юксалар чинор,
Бақатерак тез орада бўлди-ку, бўйдор,
Ҳар тарафга шохин ёзиб юборди чунон.
Жуда қаттиқ шамол турди бир куни нохос,
Бақатерак бор бўйича қулади паққос.
«Вой тенгдош-ей, — деди унга ачиниб Чинор, —
Ҳар томонга тарвақайлаб шох отмай бекор —
Олдин қадаб олгин эди илдизни чуқур».
Буёғини, ўқувчи дўст, ўзинг ўйлаб кўр.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Азиз устозимиз Иўлдош ШУКУРОВ!

Ҳаётингизнинг энг жўшқин ва куч-ғайратга тўла даврларини ёш авлод тарбиясига, халқ таълимини янада равнақ топтиришга сафарбар этдингиз. Халқ таълимининг қайси соҳасида ишлашингиздан қатъи назар, ўзингизнинг билим ва малакаларингизни ўқитувчиларга етказишга, мактабларда таълим-тарбия ва услубий ишларни такомиллаштириб, ўзингизнинг ҳақиқий маорифчи эканлигингизни намоён қилишга эришдингиз.

Бугун туғилган кунингизга 60 йил, меҳнат фаолиятингизга 40 йил тўлибди. Сизни Қарши туман халқ таълими ходимлари меҳрибон устоз дея тилга олиб, кўнглимиздаги энг эзгу тилакларимизни тилаш ҳам қарз, ҳам фарз.

Сизга узоқ умр, соғлиқ-саломатлик, ёш авлод тарбияси билан боғлиқ бўлган педагогик фаолиятингизда улкан зафарлар ёр бўлсин.

ҚАРШИ ТУМАН МАОРИФ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ.

Халқлар дўстлиги орденли Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати ва сиёсий иқтисод кафедраси жамоаси шу кафедра катта ўқитувчиси Шукурилла Зокировга онаси Муборак ИСАЕВА вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 18.00.

Г-82. ИНДЕКС: 64595. Тираж 117319. 1 2 3 4 5 6.